



ИШОНЧ


ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҲБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

1999 йил 8 декабр, чоршанба № 175 (822)

СОҒЛОМ АВЛОД - ЖАЛҚИМИЗ КЕЛАЖАГИ

"2000 - СОҒЛОМ авлод йили"



XXI аср қурилиши давом этмоқда

Ўзбекистонни яқин келажда Буюк ипак йўли орқали халқаро «Шанхай-Париж» автомобил йўли билан боғлайдиган «Тошкент-Андижон-Ўш-Саритош-Эргаштош» автомагистрални қурилишида Фарғона водийси вилоятларидан келган бир ярим мингдан зиёд ёшлар меҳнат қилмоқда. Бу янги иш ўринлари ихтисослаштирилган бурғулаш ва портлатиш бошқармаси ҳамда Андижон «Вилоятвойўл» бирлашмаси қoшида йўл-таъмирлаш қурилиш трести ташкил этилгандан сўнг яратилди.

Кўп миллатли Ўзбекистон халқига мурожаатнома

Азиз дўстлар, муҳтарам ватандошлар! Биз, турли миллатга мансуб Ўзбекистон фуқаролари юртимизда ҳукми сураётган тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро ҳамжihatликни янада мустаҳкамлаш ишига кўрсатилган гамхўрлик учун давлатимиз раҳбари Ислам Абдуганиевич Каримовдан бағоят миннатдоримиз. Республикаимизда сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар ўзининг самарали натижаларини бермоқда. Жумладан, фуқароларимизнинг сиёсий оғни, ҳуқуқий маданияти тобора ривожланиб, буюк келажакка бўлган ишончи кун сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Республикаимиз фуқаролари миллати, ирки, жинси, диний эътиқоди ва бошқа белгиларидан қатъи назар ўзларининг бурч ва масъулиятларини чуқур ҳис этган ҳолда бир ёқадан бош чиқариб, шу азиз Ватан барчамизники, - дея мамлакатимиз тараққиёти ва истиқболли йўлида хизмат қилмоқдалар. Бу эса барчамизнинг умумий уйимиз бўлиши мустаҳкам Ўзбекистонимиз тинчлиги ва барқарорлигининг мустаҳкам гарови. Биз, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган бир юз йигирмадан ортиқ миллат ва элат вакиллари Президентимизнинг адолатли ички ва ташқи сиёсати ҳамда тинчлик-тотувликдек эзгу мақсадларга йўналтирилган ғояларини қадрлаган ҳолда бирлигимиз ва мустақил тараққиётимиз раванкига ҳалақат беришга қаратилган ҳар қандай салбий қўлларни кескин қоралаймиз. Навбатдаги Президент сайловларида ҳам Ислам Каримовнинг галаба қилишига тўлиқ ишонамиз ва унинг номзодини қўллаб-қувватлаймиз! Шу маънода 2000 йил 9 январь биз учун катта шодийна ва байрамдир. Турли миллатга мансуб барча фуқароларимиз номидан ишонтириб айтмазмики, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш борасида кураш йўлидан ҳеч қачон чекинмаймиз! Азиз юртодшлар! Бахтимиз ва тинчлигимиз, ҳар биримизнинг келажак ҳаётимиз учун бутун борлигини бағишлаган раҳбаримиз Ислам Абдуганиевич Каримов учун овоз берайлик!

Митинг қатнашчилари, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган миллий-маданий марказдаги вакиллари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маққамасининг ҚАРОРИ Муборак ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида

Мамлакатимиз фуқароларининг виждон эркинлиги борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, муборак ҳаж амалларини адо этишда қулайлик, имтиёз ва зарур шароитларни яратишга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш мақсадида Вазирлар Маққамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Ўзбекистон муслмонлари идорасининг 2000 йилги ҳаж зиёратини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.
2. Вазирлар рўйхати фуқароларни ўз-ўзини бошқариш ташкилотлари орқали кенг жамоатчилик фикрини эътиборга олган ҳолда таъинсин.
3. 2000 йил ҳаж сафарини ташкил этишда Ўзбекистон муслмонлари идорасига Вазирлар Маққамаси ҳузурдаги Дин ишлари бўйича қўмита /Ф.Собиров/ ёрдам кўрсатсин.
4. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси /А.Рўзметов/ 2000 йил март-апрел ойларида зиёратчиларни Жидда шаҳрига бориб-қелишлари учун қўлай шартлар яратиш, уларнинг ҳаракатларини қаматириш чораларини кўрсин.
5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги /З.Алматов/, Ташқи ишлар вазирлиги /А.Комитов/, Давлат божхона қўмитаси /У.Комилмов/ Ўзбекистон муслмонлари идорасининг тақдимида кўра зиёратчиларнинг сафар ҳужжатларини белгиланган тартибда расмийлаштиришни таъминласинлар.
6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги /Ф.Назиров/ Саудия Арабистони Ҳаж ишлари вазирлиги томонидан қўйилган тиббий талаблар ва мамлакатимизнинг иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда зиёратчиларни қўридан ўпказишни, ҳаж даврида уларга ёрдам кўрсатишни ташкил этсин.
7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги /З.Алматов/ ва Миллий хавфсизлик хизмати /Р.Иноятов/ Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ноқонуний йўллар билан ҳаж зиёратига бориши оқибатида рўй бериши мумкин бўлган қўнғилсиз воқеаларнинг олдини олиш

Вазирлар Маққамасининг Раиси **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри, 1999 йил 7 декабрь

8 декабр - мамлакатимиз Асосий Қонуни - Конституция қабул қилинган кун ҳар йили умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Халқимизнинг эъзозли байрами бу йил юртимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа - Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга сайловлар кўтаринчилиги билан ўтган вақтга тўғри келди. Фуқароларимиз Конституцияда белгилаб берилган ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиб, катта умид ва ишонч билан ёрқин келажакни кўзлаб, ўзлари муносиб деб топган номзодларга овоз берди.

7 декабр кунини Тошкентдаги «Туркистон» саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг етти йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Бу ёрга Тошкент шаҳар жамоатчилиги фаоллари, пойтахтимиз меҳмонлари, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари ҳамда халқаро ташкилотларнинг вакиллари йиғилди.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов очди.

Республика Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори А.Саидов Ўзбекистон Конституциясининг халқимиз ҳаётидаги аҳамияти ва дунё миқёсида тугган ўрни ҳақида маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов йиғилишда нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари жамиятимизда қандай ютуқ ва марраларга эришадиган бўлса, буларнинг замирида Конституциямиз - Буюк Ҳаёт қомусимиз турганлигини алоҳида таъкидлади.

Конституцияимизнинг халқаро, демократик андоза ва талабларга жавоб бериши, унинг олдинги конституциялардан мураккаб фарқ қилиши ҳақида сўз борар экан, биз аввало унда инсон ҳуқуқи, уни ҳимоялашга қаратилган барча қарорлар алоҳида ўрин тутганини, асосий Қомусимиз инсон манфаатини давлат манфаатидан устун туришини муҳралб қўйгани ҳақида гапирганимиз керак, - деди жумладан Ислам Каримов. - Лўнда қўлиб айтганда, эски замондан қолган, онгимизга, шуғриимизга ўрнашган асоратлардан воз кечиб, бир тушунчани аниқ англаб олишимиз даркор. Яъни, давлатимиз ва жамиятимиз қурилиши, янгилиниши йўлида олиб бораётган ислохотларимизнинг пировард мақсади - аввало инсон манфаати, инсонга ва халққа хизмат қилишдир.

Маълумки, ҳуқуқий демократик фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан бораётган Ўзбекистон мустақиллигининг илк йиллариданқоғ соғлом авлод тарбиясини энг устувор вазифалардан деб белгилади. Баркамол авлодини тарбиялаш масаласини давлат сиёсати даражасига кўтарди. Зеро, мамлакатимизнинг келажаги соғлом ва маънавияти юксак авлод қўлидадир.

Шу боис Президентимиз Ислам Каримов эзгу орзу-ниятларимизнинг узвий давоми сифатида 2000 йилни Соғлом авлод йили деб эълон қилишни таклиф этди. Юртобшамизнинг бу таклифи йиғилиш қатнашчилари томонидан гулдўрс қарсақлар билан қарши олинди.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда 1997 йил - Инсон манфаатлари йили, 1998 йил - Оила йили, 1999 йил эса Аёллар йили деб эълон қилинган эди. Бу тадбирлар фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий оғнини, дунёқарашини ўстириш билан бирга, уларнинг манфаатларини умумийлик қадрларига асосида янада кенг-роқ ҳимоя қилишга, жамиятда қонуни устуворлигини таъминлашга қўмақлади. 2000 йилнинг Соғлом авлод йили, дея эълон қилиниши эса, шубҳасиз, ушбу хайрли ишларнинг мантӣқий давоми бўлади.

Соғлом авлод деганда, шахсан мен, энг аввало, соғлом наслини, нафақат ҳисмонан бақувват, шу йил билан бирга, руҳи, фикри соғлом, иймон-эътиқоди бутун, биллими, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодини тушунаман. Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади, - деди Йўлбошимиз.

Тантанали йиғилиш Ўзбекистон санъат усталари ва бадий ҳаваскорларининг катта байрам концерти билан якунланди.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ КОНСТИТУЦИЯ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз дўстлар! Муҳтарам ватандошлар! Аввало, барчамизни бугунги муборак айём - Конституция байрами билан чин қалбимдан самимий табриқлайман.

Ҳақиқатдан ҳам 8 декабр - Конституция кўниги юртимизда нишонлаш биз учун катта аънава ва одатда айланмоқда. Бунинг билан катта мамуният билан таъкидлашимиз керак.

Бунинг сабаби нимада? Нима учун йилдан-йилга кундалик ҳаётимизда Конституциямизга муносабатимиз ўзгармоқда, унга ҳурматиимиз ошаиб бормоқда?

Бу саволларга жавоб топиш қийин эмас, деб ўйлайман.

Аввало, барчамиз бир ҳақиқатни англаб, тушуниб бормоқдамиз - бугун жамиятимизда қандай ютуқ ва марраларга эришадиган бўлса, буларнинг пойдевориди Конституциямиз - Буюк Ҳаёт қомусимиз туридир.

Шу билан бирга, яна бир тушунча ҳаётимизга кириб бормоқда. Биз жамиятимизда чиндан ҳам адолат ва ҳақиқат ҳукмронлигини ўрнатмоқчи эканмиз, юртимизда эски туғилган қонуннософлик, порахўрлик, таъмапирлик, коррупция, зўравонлик, маҳаллийчилик, уруғ-айвоқчилик каби барча ярамас унсур ва иллатлардан халос бўлмоқчи эканмиз, аввало, Конституциямиз ва қонуларимизга итоат этиш, қонуни устуворлигини амалда ҳаётимизда таъминлаш зарурлигини ҳаммамизни яхши англаб олмоқдамиз.

Гап шундаки, халқимиз, жамоатчилигимиз бу борада олиб бораётган ҳаракатларимизни тезлаштириш, амалий ишларимизнинг самарасини оширишни талаб қилмоқда.

Гап биринчи навбатда, ҳуқуқий ҳимоя қилишни идораларнинг, шу жумладан, прокуратура, суд, милиция, солиқ, божхона ва бошқа шаъшонли органлари ва нодавлат ташкилотлар вакиллари билан иборатлигини, масъулиятини ошириш, ҳажимизларда ўтирган нопок мансабдорларнинг танобини тортиш ҳақида кетмоқда. Бугунги ҳаётнинг паст-баландлиги эътиборига тақдим этиш вазифасини топширасан, олдимиизга қўйган улғу мақсад, мақсадга мувофиқ бўлув эди.

Конституциянинг барча модда ва талабларининг бажарилиши ҳақида бирдангига ҳисобот тайёр-

лаб бўлмас, лекин ҳар йили муайян бир соҳани алоҳида-алоҳида олиб таҳлил қилиш мумкин-ку!

Масалан, бир йили инсон ҳуқуқлари, яна бир йили ижтимоий масалалар, келаси йили эса аҳолининг иқтисодий ва маънавий эҳтиёжларини таъминлаш, шу тарихка кенг маънода ташқи ва ички сиёсатини олиб борилиши масалаларининг ҳал этилиши бўйича ҳисоботимизни тайёрлаб жамоатчилигимиз муҳокамасига қўйсақ, бугунги замон талабига жавоб берадиган иш бўлув эди.

Ахир, нима учун бу масалалар бўйича кимдир четдан келиб бизга туртки бериши керак, ақл ўргатиши керак? Ҳар қандай чет назоратчилардан кўра, ўз камчилигини ва зарфилигимизни ўзимиз яхши билишимиз ва уларни ошқоратан олиб, ўзимиз бартараф этишимиз керак эмасми?

Ахир, биз, ҳар биримиз аввало ўз виждонимиз олдида, халқимиз, жамоатчилигимиз олдида қилаётган ишларимиз ҳақида жавоб беришимиз керак.

Бунинг барчамиз яхши тушуниб олишимиз даркор.

Ҳурматли юртодшлар! Энди руҳсизингиз билан Конституцияимизни амалга оширишга бевосита алоқадор, икки кун аввал бўлиб ўтган Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга сайловлар ҳақида икки ойга эътибор қўйсан.

Кўни кеча сайловчиларимиз ўз Конституцияини ҳуқуқларини адо этиб, сиёсий етуқлигини намойиш қилиб, халқ ноибларига, яъни халқ номидан ваколат олиб иш юритадиган, унга ҳалол ва виждондан хизмат қилмайдиган, унинг хоҳиш-иродасини баҳарадиган депутатларга овоз берди.

Бугун сайловлар ҳақида гапирар эканмиз, энг аввало шу сайловлар пайтида оддий сўзнинг шароитларини яхшилаш юзасидан эҳтиёжларини фикр ва мулоҳазалар ҳақида сўз юритишимиз, одамларнинг билдирган хоҳиш-иродасини инобатга олиб ҳулоса чиқаришимиз лозим.

Авваломбор, ўзимизга шунинг яққол тасаввур қилишимиз керакки, ҳар қайси инсон сайлов қўтиси олдида яхши орзу-ниятлар билан келади. Соғда қилиб айтганда, у мен ишон билдирган бўлғуси депутатлар менинг кундалик

(Давоми 2-бетда).

ВАТАН МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ватанимиз мустақиллигининг 8 йиллиги байрами арафасида эл-юрт олдидики улкан хизматлари, ислохотларни чуқурлаштиришдаги, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки, истиклол ғояларини рўйбга чиқаришдаги хиссаси, фани, маданият, таълим, иқтисодийни ривожлантириш йўлидаги ютуқлари учун ҳамюртларимиздан катта бир гуруҳи мамлакатимизнинг юксак ордени ва медаллари, фахрий унвонлари билан тақдирланган эди. Бу мукофотларни мустақил Ватанимиз тарихидаги яна бир улғу сана - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кўни арафасида топшириш ҳам хайрли аънамага айланган.

7 декабрь кунини Оқсарой қароргоҳида мазкур мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда Президент Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Ҳаётда эзгу мақсадларимизнинг самарасини кўриш, эл-юрт манфаати йўлида қўрилган улкан меҳнатга муносиб баҳо бериш, одамларнинг руҳини кўтариш - бағоят хайрли ишдир, деди Йўлбошимиз. - Ватанимиз раванки, халқимизнинг бахт-саодати учун фидойилик намуналарини кўрсатаётган кўрдошларимизни тақдирлаш - менинг зиммамга юклатилган қўндан-қўн вазифалар орасида энг қўнқонлиси. Бундай маросимлар ўзимнинг ҳам руҳимни кўтариб, қалбимга хурсандчилик бахш этади.

Давлатимиз раҳбари ҳар йили Конституцияимиз байрами арафасида халқимизнинг турли соҳаларда иборат қўрсатган вакиллари Ватан мукофотларини топшириш яхши бир аънамага айланган, минглаб ватандошларимизнинг юксак наъзаларга, орден ва медалларга сазовор бўлаётгани қўнқонли ишларимизнинг, олдимиизга қўйган улғу мақсад ва қўлаган марраларимиз сари шахдам бораётганимизнинг яна бир тасдиғи эканлигини таъкидлади.

Мен шу ўринда ҳақиқат ва адолат тўғрисида, уни ҳаётда қарор топтириш ҳақида икки ойга эътибор қўймоқчиман, деди Президент. Ҳаммамиз кундалик турмушимизда, унинг барча соҳаларида ҳақиқат ва адолат устувор бўлсин, ҳукмрон бўлсин, деймиш. «Ҳукмрон» деган сўзнинг маъносига кенг. Аслида, ҳукмронлик маънага ҳам ёқвармайдиган бир ҳолатдир. Лекин, ҳақиқат ҳукмронлиги ҳақида, адолат ҳукмронлиги ҳақида гапирганда, ўйлайманки, бунга ҳеч ким қарши чиқмасе керак.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бугун давлатимиз, халқимиз ҳаётининг тарихий бир даврида жамиятимизнинг барча жабҳа ва погоналарида илғари датто фараз қилишимиз ҳам қийин бўлган улғувор

(Давоми 2-бетда).

8 - декабр - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

Конституциямизнинг биз учун муқаддаслиги яна шундан иборатки, у ҳар қандай тараққиёт учун гаров бўлмиш тинчлик, осойишталик, тотув ҳаётнинг асосларини белгилаб берган.

Ислон **КАРИМОВ.**

Давлатимиз Конституциясига асосан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларда инсон ҳуқуқлари ўзининг чуқур ифодасини топиб, тарихий тараққиётимизнинг ўзига хос хусусиятлари инobatта олинган ҳолда кейинги йилларда бу соҳада муҳим ташкилий-ҳуқуқий механизмлар яратилди.

Халқаро ҳуқуқ нормалари талаблари, БМТнинг ривожланиш дастури, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти тавсиялари ва мувофиқ Ўзбекистонда нафақат инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларининг асослари, балки инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича тегишли миллий инфраструктура шакллантирилди.

Қади. Ҳозирги вақтда республикада инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига билан шуғулланувчи бир нечта институт мавжуд. Маса-

лан, 1995 йилда Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакилиги институтини, унинг қошида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиниши бўйича комиссия, 1996 йилда Олий Мажлис қошида амалдаги қонунчилик мониторингини институтини ташкил қилинган. Республика Президенти Фармони билан инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий Маркази, 1997 йилда эса «Жамоатчилик фикри» Маркази иш бошлади. Олий Мажлис сессияларидан бирида инсон

ҳуқуқлари бўйича вакиллик лавозими таъсис этилди. Олий Мажлиснинг 1997 йил 24 апрелдаги саккизинчи сессиясида эса «Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари

бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Ушбу Қонунга кўра, Вакил тўртта асосий вазифани бажаради. Биринчиси - давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилишининг самарадорлиги устидан парламент назоратини таъминлаш ваколатини амалга оширади. Ик-

кинчиси - инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириб, уларни халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштиради. Учинчиси - фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ижтимоий оғирлиги ошириб қўйиладиган ҳолатларда халқаро ҳамкорликни ривожлантиради.

Омбудсман парламент депутатидир, бу эса унинг ҳуқуқий мақомини кўчаптиради, ўз вазифаларини самаралироқ бажаришга қўмақлашади.

Омбудсманнинг қўшида мавжуд бўлган нуфузли ва турли хил соҳа мутахассисларидан иборат бўлган инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши бўйича комиссия фуқароларнинг шикоятларини кўриб чиқишда катта ёрдам кўрсатмоқда, бу эса унчалик катта бўлмаган омбудсман штати учун аҳамиятлидир.

рига эга бўлиш ҳуқуқига эга. Институт эндигина шаклланди, бироқ унга жойларда инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва ҳимоя қилиш мониторингини ўтказиш мақсадида катта умидлар билдирилмоқда.

Олий Мажлис Кенгашининг 1996 йил 3 декабрдаги Қарори билан ташкил этилган амалдаги Қонунчилик институтининг илмий тадқиқот муассасаси ҳисобланади.

Институтнинг асосий вазифаларидан бири амалдаги инсон ҳуқуқи соҳасидаги қонунчиликни, унинг халқаро нормалар ва талабларга мос келишини ўрганади ҳамда демократия ва инсон ҳуқуқи соҳасидаги қонунчиликни халқаро нормалар ва стандартларга мувофиқлаштиради. Амалдаги қонун ҳужжатларида инсон ҳуқуқи соҳасидаги халқаро ҳуқуқий нормаларни жорий қилиш бўйича тақлифлар киритади. Қонунчилик ташаббуси ишлари механизмини такомиллаштириш бўйича тақлифлар тайёрлайди. Инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқ қўллаш амалиётини ўрганади ва умумлаштиради. Қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқади.

туция, қонунлар ва инсон ҳуқуқи соҳасидаги халқаро нормаларнинг қондаларини таъбиқ қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш, республиканинг халқаро ва миллий ташкилот билан инсон ҳуқуқи соҳасида ҳамкорлигини ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига, шунингдек инсон ҳуқуқлари бўйича жамоат бирлашмаларига маслаҳат бериш, инсон ҳуқуқини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш соҳасида ўқитиш, тарғиб қилиш, ўқув-методик адабиётлар нашр қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқа масалалар билан шуғулланади.

«Жамоат фикри» маркази нодавлат муассаса бўлиб, унинг асосий вазифаси инсон ҳуқуқи масалалари бўйича жамоатчилик фикрини, аҳолининг сиёсий - ҳуқуқий маданияти даражасини ўрганиш учун илмий - амалий изланишлар олиб боради. Марказ социологик сўровлар, давра сўхбатлари, конференциялар ўтказиш, жамоатчилик фикри мониторингини ташкил қилади, маълумотлар базасини шакллантиради. 1998 йилдан бошлаб инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллик институтига мурожаат қилган фуқароларнинг доимий сўровини ташкиллаштиради.

Омонуллов, ҳуқуқшунос.

ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ВОСИТАЛАРИ

Кейинги пайтларда тadbиркорликнинг ҳуқуқий пойдеворини яратувчи кўпгина қонунлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелдаги товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палаталари тўғрисидаги қонунни мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга, унинг жаҳон ҳўжалик тизимига қўшилишига қўмақлашиш, бозор инфраструктурасининг яхлит тизимини шакллантириш, тadbиркорлик фаолияти учун қўлай шароит яратиш, тadbиркорларни бошқа мамлакатлар тadbиркорлари билан савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий алоқаларини ривожлантириш ва уларни ҳуқуқий кафолатлашга қаратилгандир.

Республикаимизнинг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциясида тadbиркорлик ҳуқуқлари кафолатланиб кўйилди.

Конституцияимизнинг 53-моддасига кўра, бозор муносабатларига қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил қилади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқий устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий

жоизки, ташаббус кўрсатиш қонунлар доирасида амалга оширилиши зарур.

Иқтисодий ислохотларнинг бугунги босқичида энг муҳим ва долзарб вазифа мулкий муносабатларни тубдан ўзгартирмоқдир. Унинг тўб моҳияти - мулкни ҳақиқий эгалари қўлига беришни тезлаштириш, тadbиркорлик учун кенг йўл очиб бериш ва мулкдорда янги мулк эгаси ҳиссини тарбиялашдан иборат.

Шуни айтиб ўтиш кераки, ҳозирда республикаимизда тadbиркорликнинг қонуний базаси мустаҳкамланиб, унинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Конституцияимиз билан бир қаторда Ўзбекистон Республикасининг «Тadbиркорлик тўғрисида»ги, «Мулкчилик тўғрисида»ги, «Тadbиркорлик фаолияти билан

ривожлантиришда Конституция билан бир қаторда 1991 йил 15 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Тadbиркорлик тўғрисида»ги қонунини ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Шуни унутмаслик кераки, ушбу қонун тadbиркорлик билан боғлиқ барча муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга оид тadbиркорликни ташкил этиш, унинг амал қилиши ва ривожланишининг ҳуқуқий асослари, тadbир-

корлик тўғрисидаги умумий ҳамда асосий қондаларни кўзда тутади. Мазкур қонунга асосан тadbиркор ўз мол-мулки асосида, унинг қайси шаклдан иборат бўлишидан қатъи назар, турли ҳўжалик фаолияти билан шуғулланишга оид масалани эркин равишда ҳал қилади ва танлайди. У қонунга зид бўлмаган ва қонун таъқиқламаган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатни, ҳўжалик ва бошқа фаолиятни амалга оширишга ҳақлидир.

Мулкчиликнинг ҳамма шакллари, ҳўжалик фаолиятнинг барча турларини тенг ҳуқуқлилик асосида амал қилиши тadbиркорликнинг асосий талабларидан ҳисобланади. Демак, мулкчиликнинг қайси шаклига асосланган бўлмасин, тadbиркорликнинг ташкил топиши ва ривожланиши учун зарур бўлган тенг ҳуқуқ ва шароитни яратиш беради. Мазкур ҳолатнинг Асосий қонунимиз бўлиши Конституцияда ҳам қайд этилиши республикаимизда тadbиркорликка кенг имкониятлар яратиб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Тadbиркорлик тўғрисида»ги қонунига кўра, бозор иқтисодиётида тadbиркор ўз фаолиятини ўзи мустақил танлайди, белгилайди, режалаштиради, амалга оширади. Бунда тadbиркордан юқори малакали қобилият ва фаол ташаббус талаб қилинади. Шуни таъкидлаб ўтиш

фаолият, тadbиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллари-нинг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини таъминлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин. Иқтисодий ҳаётнинг асосини ташкил этувчи мулк - ишлаб чиқариш воситаларини ва меҳнатнинг барча маҳсулотларини ўзлаштириш жиҳатдан кишилар ўртасидаги муносабатлардир.

Ўзбекистон Республикасида мулкчилик шакллари билан бири хусусий мулк ҳуқуқидир. Мулк эгаси деганда ишлаб чиқаришда бевосита қатнашишнинг ни ёки ёлланма меҳнатни қўллашнинг тақозо этувчи субъектлар, яъни фуқаролар, ҳўжалик жамоаси ва ширкатлар, ижара ва жамоа корхоналари, ижтимоий бирлашмалар ва диний ташкилотлар, хайрия ва бошқа ижтимоий фанлар мулкига эгаллик қилиш тушунилади.

Унинг мазмунини фуқароларнинг, юридик шахсларнинг қонунда белги-ланган доирада ўз мулкларига хусусий эгаллик қилиши, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқлари ташкил қилади. Давлатимизда хусусий мулк ва тadbиркорликни

Шуни таъкидлаб ўтиш

БУ ЮРТГА ЗГУЛИК ЙЎЛДОШ

Республикаимиз ҳудудида яшаётган ҳар бир фуқаро жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ёки ўз вакилларини сайлаш, ўзини-ўзи бошқариш ташкилотлари, референдумлар ўтказиш каби демократик ҳуқуқий институтлар орқали қатнашади. У ўз сиёсий ҳуқуқларини қасаба қилишдан, сиёсий партиялар ёки бошқа жамоат ва симавий ташкилотлар фаолиятида бевосита иштирок этиш йўли билан амалга ошириши мумкин. Мабодо, юқорида кўрсатилган жамоат ташкилотларида муҳолифат томон озчиликни ташкил этса ҳам, бу фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчлари ҳамда кадр-қимматларининг камситилишига йўл қўймайлик давлат томонидан конституциявий асосда кафолатланган.

Хуллас, бош Комиссиямиз ҳақиқатан ҳам демократик таъминловчи асослангандир. Тарихда сингалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни муҳим эътибор билан қўйиб, ҳар қандай демократик таъминловчи асосланган ҳуқуқий ҳужжат мустақилликка эришган халқимизни эркин истиқболга олиб чиқишда буюк хизматлар қилади.

И.ШЕРМУХАМЕДОВ, меҳнат фахрийси.

БАХТ КИТОБИ

Фахрия

Бахтимиз қомуси нурафшон этмиш, Бир сўзли ўзбегим истиқлолини. Бошида қўёши чарогон этмиш, Мустақил бу юртим шон-иқболлини.

Эркин нафас олиб, эртани ўйлаб, Тонгни қаршилайман — саодатим ёр. Замину замоним олқишлаб, қуйлаб, Ҳуқуқий ҳаётим бўлғай барқарор.

Эру элатларга згулик йўлдош, Ору-умидлари баркамол инсон. Фахрлансам арзир, азиз ватандош, Кекса-ёш гурури — жон Ўзбекистон.

Жаҳон пештоқида номинг улугвор, Ватан, доврўнгини айлай намойиш: Сарбаланд мадҳиянг авждор, жарангдор, Еру осмон узра берар оройиш.

Бу кўҳна Туркистон менга Ватандир, Бахтлар ўлкасида тенглав тенгандир. Тинчлик, омонликка таянч масқандир, Ўзбекистон — фахрим: юрт ўғлониман.

Абдуқодир ҚАЙЙУМ.

КЎЗ ҚОРАЧИГИДЕК АСРАЙЛИК

Мамлакатимизда яна байрам руҳи, қалбимизда кўтаринкилик, шу юрт фарзанди эканлигимиздан фахрланиш туйғуси. Бу, Конституциямиз қабул қилинганлигининг 7 йиллик шодиёнаси.

Асосий Қонунда адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, фидойилик, инсонга ғамхўрлик, мардлик каби улуг хислатлар акс эттирилган. Унда қадриятларимиз, миллий тафаккуримиз мужассамдир.

У ривожланган, тараққий топган давлатларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ютуқларига, уларнинг тарихий тажрибаларига таянган ҳолда яратилган бўлиб, дунё миқёсидаги ҳар қандай конституция билан тенглаша олади.

Конституцияда кафолатланган ҳуқуқ ва бурчлар орасида фуқаролик масалалари муҳим ўрин эгаллайди. Унинг 21-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик белгиланган. Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. «Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас», дейилади 25-моддада. Демак, ҳар бир фуқаро тўхмат ва бўҳтонлардан ҳимояланган.

Унда виждон эркинлигига ҳам катта эътибор қаратилганлиги айтиш мумкин. «Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди», дейилади 31-моддада.

Фуқароларнинг Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва бурчларининг таҳлили шуни кўрсатадики, уларда қонун устуворлиги асосида ҳаётнинг ўзи келтириб чиқарган қўллаб муаммоларга жавоб берилган. Буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темур айтганларидек, «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади».

Хулоса қилиб айтганда, мустақил республикаимиз Конституциясида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи энг муҳим қондалар ўз аксини топган. Зотан, ушбу қондаларни кўз қорачигидек асраш, уларнинг бузилишига йўл қўймайлик барча фуқароларнинг муқаддас бурчидир.

Санобар ОДИЛОВА, Клара БОЙМУХАММЕДОВА, ҳуқуқшунослар.

ТАДБИРКОР МАНФААТИНИНГ КАФОЛАТИ

Мулкчиликнинг ҳамма шакллари, ҳўжалик фаолиятнинг барча турларини тенг ҳуқуқлилик асосида амал қилиши тadbиркорликнинг асосий талабларидан ҳисобланади. Демак, мулкчиликнинг қайси шаклига асосланган бўлмасин, тadbиркорликнинг ташкил топиши ва ривожланиши учун зарур бўлган тенг ҳуқуқ ва шароитни яратиш беради. Мазкур ҳолатнинг Асосий қонунимиз бўлиши Конституцияда ҳам қайд этилиши республикаимизда тadbиркорликка кенг имкониятлар яратиб берилган.

С.БОБОКУЛОВ, юридик фанлари номзоди.



АСКАР ҚАСАМЁДИ

Ёш аскарларнинг ҳарбий Қасамёди қилишга бағишланган тантанали маросими мустақил мамлакатимиз Конституциясининг 7 йиллиги байрамига уланиб кетди.

Ҳаяжонли дақиқалар... Ёш аскарлар шахдам қадамлар билан бирин-кетин сафдан чиқиб, Президентимиз ва халқимизга тантанали Қасамёди қилдилар. Ёш аскарларни истефодаги генерал-лейтенант Собир Охунжонов, Бухоро вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Ҳалима Қиличева, Қашқадарё вилоят «Наврўз» хайрия жамғармаси раиси Низомиддин Бегматов, Фақуллода вазиятлар вазирлиги хотин-қизлар кенгаши раиси Гулаш Эшонқулова кутладилар. Айниқса, кўзлари қувонч ва тибассуддан порлаган ота-оналарнинг дил сўзлари қалбларга илиқлик олиб кирди. Фарғоналик Раҳим Ўлмасов ва бу-

хоролик Гулнара Жалилова-нинг фарзандлари ҳарбий хизматни бошлаганлари билан кутлаб, бу ердаги барча шароитлар етарли эканлигига амин бўлганликларини изҳор этишлар ҳамда аскарларга йигитлик бурчини аъло даражада ўтаб, ота-оналари бағрига ёруғ юз билан боришларини тиладилар.

Сизлар ниҳоятда бахтли йигитсизлар, - деди қашқадарёлик Низомиддин Бегматов, - бегона юртининг совуқ ўрмонларида эмас, серкуёш, мустақил мамлакатимизда хизмат қилиб, ҳудудларимизни ҳимоя қилишга, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга сиз қилган ҳисса қўшиб келмакдасизлар. Сизларга яна шуни эслатиб ўтишим кераки, мен бу ерга келишимдан олдин бир қанча қизлар билан суҳбатлашиб, улардан «наказ» олиб келдим. Улар солдатлик бурчини намунали

ўтаб, ёруғ юз билан туғилган жойига қайтиб келган йигитларгагина турмушга чиқишларини айтишди. Қизларнинг ишончини оқлашга ваъда берасизларми?

Солдатлар бирваракайига «Х» деб жавоб беришди.

Бу ерда ҳарбий хизматни ўқитган Бахтиёржон менинг ўқитгани ўғлим, - дейди биз билан суҳбатда бухоролик Гулнара Жалилова, — Тўғич фарзандим олти ой илгари йигитлик бурчини аъло даражада ўтаб келган эди. Бу ўғлим ҳам Ватан олдидаги бурчини намунали ўташига ишонманам, у ота-онаси юзини ерга қаратиб қўймайди.

Байрам тантаналари барчада унутилмас таассурот қолдирди.

Азамат СУЙОНОВ, журналист. Абдижалял РАҲИМОВ олган суратлар.

Қандай дам олаёйсиз, отахон?

НУРОНИЙЛАР ЭЪЗОДА

Автобуга чиқаётган йўловчи отахон хайдовечидан сўради: - Шопир болам, «Нуроний»га борадими автобусинг? - Борди. Чиқаёлинг. Йўловчилардан бири отахонга юзланиб: - Юнусободда ҳам қариялар уйи борми?,- деди. - Э, йўқ, жавоб берди отахон, - у ерда қариялар учун дам олиш оромгоҳи қурилган. Ҳаттич жуда ба-ҳаво, биз кесалар учун мос жой-да. Шу ерда дам олгани кетапман. Дарҳақиқат, пойтахтимизнинг Юнусобод тумани 19-мавзесида жойлашган «Нуроний» оромгоҳи фаолияти эътирофга лойиқ. Бу ерда меҳнат фахрийлари, ногиронлар ҳам дам олишди, ҳам даволанишди. Тиббиёт фанлари номзоди Лола Йўлдошева етакчилигидаги 30 га яқин шифокор-ҳамширалар қариялар хизматида. Бу ерда дам олувчилар учун физиотерапия, уқалаш, парафин хоналари мавжуд. Оромгоҳ раҳбарининг айтишига қараганда, қарияларни даволашда шарқ табобати усулларидан ҳам фойдаланилади. Яъни, доривор гўёҳлардан тайёрланган шифобахш дамламалар қонаси - фитобар дам олувчилар ихтиёрида. Ҳафтада икки маҳал кино кўрсатилади. Таниқли қондалар иштирокида қончалар намойиш қилинади, театрларга, музейларга, турли зияратгоҳларга саёҳатлар уюштирилади.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ.


КАРАТЭЧИЛАР КУВОНЧИ ЧЕКСИЗ

Ёш каратэчиларимиз Венгрияда ўсмирлар ўртасида Жахон Кубоги учун ўтказилган масъулиятли мусобақада иккинчи бор ўзларига билдирилган ишончли шараф билан оқлашди. Бу йил Жахон Кубоги учун баҳсада ўтган йилгидан фарқли терма жамоа аъзолари билан бирга республикамиз вилоятларида фаолият кўрсатаётган бешта клубнинг ёш каратэчиларидан иборат 28 нафар спортчилари иштирок этди. Улар жами 23 та (6 та олтин, 9 та кумуш ва 8 та бронза) медаллар шодасини қўлга киритди. Бу микдор ўтган йилги Кубок баҳсида қўлга киритилган медаллар сонидан 14 та кўп (1998 йил кубок баҳсида 5 та олтин, 2 та кумуш, 2 та бронза) демакдир. Шунингдек, каратэ бўйича катта ёшлар ўртасида Сингапурда ўтказилган Осиё чемпионатида иштирок этган вакилларимиздан Азамат Қаландаров ва Хусниддин Сафиевлар бронза медаллари соҳиби бўлиб қайтишди.

— Бу икки улкан галабамизни мустақил Ўзбекистонимиз Конституциясининг етти йиллик тўғрива сифатида тақдир этамиз, — деди Ўзбекистон каратэ федерацияси президенти, 6-ДАН қора белбоғ соҳиби Нурхон Нафасов «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Бу йилги кубок баҳсида бошқа клубларимизга ҳам имконият берганимиз ўз самарасини берди. Чунки иқтидорли ёш каратэчилар нафақат терма жамоамизда, балки вилоятларидаги клубларда ҳам кўп. Умуман олганда, 1999 йилни бошқа спортчиларимиз каби каратэчилар ҳам катта муваффақият билан яқунламоқда. Уайлайманки, ушбу ютуқлар келаси йилги масъулиятли баҳсларда кўтаринки кайфиятда қатнашишимизга туртки бўлади.

Каратэ федерациясидан олинган маълумотга кўра, 2001 йилда Осиё чемпионатини ўтказиш учун асосий давлатларга Ўзбекистон, Непал ва Таиланд давлатлари бўлиб, бунда республикамизнинг иккинчиси 95 фоиз камаланмоқда. Чунки биздаги шарт-шароитлардан бохабар Осиё каратэ федерацияси, қолаверса, бутун каратэ оммаси 2001 йилдаги мазкур чемпионатни юртимизда кўриш иштиёқидадир.

«Туркистон-пресс»



«Туркистон-пресс»

Бирон-бир операла ўтирган бўлсайди, ёнидагилар халакит берма, деб уни тинчлантиришлари мумкин эди. Турнирда эса, ёнидагиларнинг ўзи ҳам кизик позиция ҳақида мулоҳаза юритиш билан овоза бўлишди. Шахсан менинг ўзим бир кун кулоқларимга фақат тикиб кўрдим. Лекин фойдаси бўлмади, пахта залда доим тайёр аскияларнинг гапига қолдим, холос.

Шовқинга дош бериш чорасини унча-мунча Ботвинник топди. Шу мақсадда тренер Рагозин билан махсус маший матч ўйнади. Бу ўйинда шахмат тахтаси ёнига бақиртириб қўйилган радиоприёмник қўйилар эди. Энди Ботвинник беш соат стол ёнида кимир этмай ўтираверарди. Лекин у ўз позициясидан қўнгли тўлмаётган бўлса, тажрибали кузатувчи буни унинг баъзи бир ҳаракат-

ГРОССМЕЙСТЕРНИНГ БИР КУНИ

Вокені ҳикоя

ларидан билиб олиши мумкин эди. Жаҳон биринчилиги учун ўтказилган матчлар пайтида пресс-бюрога тез-тез кириб турадиган шахмат мутахассиси Якоф Рохлин: — Миша бирор нарсанин бериб қўйганга ўхшайди! — деди. Хабари йўқ киши ҳайрон бўлиб сўради: — Нега? Позицияси жуда ажойиб. — Э, мени сира алдай олмайсиз? — деди Рохлин. — Кулоқларининг кип-қизариб кетганини қараган. Бу бирор нарсани кўрмай қолганидан нишон! Қийин ахволга тушиб қолганда, ҳадеб галстугини тортариши ҳам маълум Ботвинникнинг. Бежавотир, бутунлай хотиржам ўтирганда эса, фақат ахён-ахёнда у эҳтиётлик билан кўзойнагини тўғрилаб қўяди, холос. Хар кимда ҳар хил одат. Обғининг учини ерга тираб олиб, соатлаб столини дриллатиб ўтирадиганлар



(Боши ўтган сонларда).



ТАЪАРРУҚ КИШИЛАР

Ғузур туманидаги «Совлигар» кишлоғида яшовчи Муртазо Холлиев қарийб 50 йил ўқитувчилик қилиб, минглаб ёшларни мустақил ҳаётга йўллаган. 83 ёшли отахон умр йўлдоши Зайнаб момо Рустамова билан 8 нафар фарзандни тарбиялаб воёга етказди. Ҳозир пиру бадавлат бобонинг 40 дан ортиқ неваралари бор. — Ватанимиз мустақилликка эришиб, рўшнолик кўрдик, болаларим! — дейди бобо фарзандларига. — Президентимиздан ибрат олиб яшанглар! Хур замоннинг қадрига етинглар!

Шавкат Султон олган сурат.

Биласизми? ОДАМЗОД ТОИФАЛАРИ

Немис биолог мутахассиси Александр Гумбальдт Лотин Америкаси бўйлаб саёҳат қилиб юрган кунларнинг бирида донишманд, зукко бир киши билан суҳбатда бўлади. Донишманд унга ер юзидаги одамлар турт тоифада бўлиши тўғрисида ўз қарашларини баён этади. Улар қуйидагилар:

1. Баъзи нарсаларни биладиган ва шу нарсаларни билишларини ўзлари биладиган одамлар. Бундайлар — маълумотли кишилардир.
2. Баъзи нарсаларни биладиган ва шу нарсаларни билишларини ўзлари билмайдиган кишилар. Бундайлар — уйкудаги кишилар, уларни уйғотмиш фойдалади.
3. Баъзилар эса ҳеч нарса билмайдилар. Лекин, бу ҳақда ўзлари ҳам билмайдилар. Бундай инсонларга ёрдам бериш зарур.
4. Яна бир тоифа кишилар борки, ҳеч нарса билмайдилар ва билмасликларини ўзлари ҳам билмайдилар. Бундайлар — нодон одамлардир.

Жануби-Шарқий Осиёда жойлашган Малайзия мамлакатиде қориндор кишилар энг бадавлат, кучли ва обрўли ҳисобланадилар. Улар ҳеч бир нуқсонли саналмай, аксинча, уларга «жуда келишган қоматли барваста» деб ҳавас қилишади. Мамлакатнинг Перанг штатида истиколат қилувчи Муҳаммад Али исмли киши шу жиҳатига кўра яқка-ю ягона саналади. У қориндор эркаклар ўртасида ўтказилган мусобақада олти нафар кишини енгиб, голибликни қўлга киритди. Шарқий Осиё давлатларида Дўмбоқ эркаклар беллашуви бошқа мусобақалардан анча илгари аънагага айланган. Чунки, «Гўзаллик қироличаси», «Қизлар», «Эркаклар» кўрик-танловлари катта ёшдагиларни мафтун этса, қориндорлар мусобақаси кичкинтойларга заъқ бағишлайди. Уларга сомон тикилган қанордай, юмшоқ жуда катта қорин устида ўтириб олиб сайр қилиш маъзада.

МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИ ТАҚВИМИ (1999—2000)

Ўзга кун	Декабрь-январь	Хафта кунлари	Сахарлик	Ифторлик
1	9	Пайшанба	5:52	16:57
2	10	ЖУМА	5:53	16:57
3	11	Шанба	5:54	16:57
4	12	Якшанба	5:55	16:58
5	13	Душанба	5:56	16:58
6	14	Сешанба	5:56	16:58
7	15	Чоршанба	5:57	16:58
8	16	Пайшанба	5:58	16:58
9	17	ЖУМА	5:59	16:59
10	18	Шанба	5:59	16:59
11	19	Якшанба	6:00	16:59
12	20	Душанба	6:00	17:00
13	21	Сешанба	6:01	17:00
14	22	Чоршанба	6:01	17:01
15	23	Пайшанба	6:02	17:01
16	24	ЖУМА	6:02	17:02
17	25	Шанба	6:03	17:02
18	26	Якшанба	6:03	17:03
19	27	Душанба	6:04	17:04
20	28	Сешанба	6:04	17:04
21	29	Чоршанба	6:04	17:05
22	30	Пайшанба	6:04	17:06
23	31	ЖУМА	6:05	17:07
24	1	Шанба	6:05	17:07
25	2	Якшанба	6:05	17:08
26	3	Душанба	6:05	17:09
27	4	Сешанба	6:05	17:10
28	5	Чоршанба	6:05	17:11
29	6	Пайшанба	6:05	17:12
30	7	ЖУМА	6:05	17:13

Тошкент вақти билан тафовут (дақиқа ҳисобида):
Авал: Андижон-13. Жамбул-2. Наманган-9. Термиз-2. Фарғона-12. Хўжанд-4. Қўқон-8. Ўш-15. Кейин: Навоий+14. Нукус+42. Самарқанд +5. Тошқовуз+40. Туркистон+12. Урганч, Хива+37. Чимкент+3. Қарши+8.

БУНАҚАСИ КАМ БЎЛАДИ

Шри-Ланка чакалақларида аконит деган ўсимликнинг бир тури ўсади. Унинг таркибиде аконитин алкалонди бор. Ана шу ўсимликни еган фил маст бўлиб қолади. Унинг кайфи чоғ бўлиб, тиниб-тинчимади, шўхлик қила бошлайди. Шуниси ҳам борки, аконит еган дастлабки кунлардагина филларнинг кайфи чоғ бўлади.

Орадан бир неча кун ўтган, пиёниста филнинг оёқлари дармонсизланади, гандирақлаб юрадиган бўлади. Уйқуси кочади, ҳар нарсаса аччиқланаверади. Агар ўрганиб қолган фил бу ўсимликдан махрум қилинса, пиёниста фил кўп ўтмай ўлади. Шунинг учун филлар чангалзорга ўз ҳолида дайдиб кетмасин деб, подачиларнинг жони ҳалок бўлади. Соғлом ва хушёр филлар ўртача 80 йил яшайди ва 75 ёшгача меҳнат қилаверади. Филлар жуда кам ухлайди — бир кеча-кундузда 5 соат — шундан кундузи икки соат ухлайди. Ҳар гал оқватдан кейин ярим соатдан мизғиб олади. Шунга айтиш керакки, соппа-соғ филларнинг умри мобайнида шундай галати даврлар ҳам бўладики, маънаман деган билимдонлар ҳам буни изоҳлаб бера олмайдилар. Гап шундаки, 40-50 ёшларда, яъни тахминан умрининг яримларида ҳар қандай ишчи фил, хатто энг ақлли филлар ҳам тўсатдан асабийлаша бошлайди. Бундай танглик ҳолат ўтган, фил яна аввалгидек хушфел ҳайвон бўлиб қолаверади.

ЛУҚМА

ИНСОФ САРИ БАРАКА
 Ҳаётда бағри кенг, фақат эзгуликни дилига жо қилган одамлар кўп. Ўз ҳаётимда уларнинг беминнат мадади, саховатидан баҳраманд бўлганман. Бирок, бир воқеа бизни таажубга солди. Ишдан қайтаётганим, Собир Раҳимов метро бекатининг йўлаклариде сут маҳсулотлари сотётган аёл эътиборимни жалб қилди. У менга юзланиб, қаймоғини мақтай кетди. Олмасам бўлмайдиган кўринди. Майли, болалар бир маза қилишсин, дедим-да савдолашиб 400 сўмга бир банка қаймоқ сотиб олдим. Сутувчи аёл эпчилгина экан, неъматни тезлик билан қоғозга ўраб қўлимга тутқазди. Ўзимдан хурсанд бўлиб автобус бекати томон борарканман, ўрта ёшлардаги аёл деди:

— Эссизгина, сизни ҳам чув туширибди, ярамас. Қўлингиздаги қаймоқ эмас, ачиган қатик, Устига озгина қаймоқ солган, холос. Инсофи йўқ кунига нечта одамни ўз тузоғига илтирайпти.

У ер, бу ерга югуриб фирибгар аёлни изладим. Бирок, у жуфтани ростилаб қолган экан. Кейин билсам, ярим соат олдин саксон ёшли отахонни, юртимизга келган меҳмоннинг ҳам қўлига ачиган қатик тутқазиб, пулини «чилиб» олибди.

Ўзимча фикр қиламан, инсофини унутган, нопок йўл билан пул топаётган ўша аёл ўз оиласига, фарзандларига олдиға қандай боради. Бола-чақасига ҳаром луқмане едираётганидан наҳотки вийдонни қийналмаётган бўлса? Кейин, «Қўш уюсида кўрганини қилади» дейилганидек, бундай кишилар қўлида тарбия топган фарзандлар ким бўлиб воёга етишаркин?

Қобилжон ШОКИРОВ.

ГОЛИБЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ!

Дунёда шундай кўрғон борки, уни камол эҳтиром ила оила дея алқайдилар. Ана шу кўрғоннинг подшоҳи эр бўлса, вазири хотиндир. Ўз эрининг виждонига, қадрига айланган аёл вазир бўлган кўрғондагина ҳаёт тинч-осуда кечади, турмуш машаққатлари асло зиён-заҳмат етказолмайди.

Агар ёдингизда бўлса, азиз муштарий, баҳор ва гўзаллик байрами — Наврўзи олам бутун борлиқни ўзининг оромбахш кучоқларига олмоққа бошларан палла — 20 март кунга газетамизда «Аёл ва жамият» деб аталмиш таҳририят танлов шартларини эълон қилган эдик. Ушанда голиблар номини бахт қомусимиз — Ўзбекистон Конституцияси байрами тантаналари арафасида сизларга танитамиз, дея сўз бергандик. Мана, ниҳоят, орзули дамларга ҳам етиб келдик!

Танлов ҳайъати шу кунгача «Ишонч» газетасида чоп этилган мақолаларни яна бир бошдан кўздан кечириб, бир овоздан биринчи мукофотни бермасликка қарор қилди. Иккинчи мукофот, яъни 30 минг сўм истеъдодли суратқаш Абдувоҳид Тўраевага насиб этди. Учинчи мукофот, яъни 20 минг сўм га-

зетамизнинг 19 ноябр сониде чоп этилган «Бешик қучган ўзбек аёли» мақола-си учун Шохиде Турдиевага бериладиган бўлди.

«Ишонч» газетаси таҳририяти эълон қилган яна бир танлов эса шартли равишда «Ғаройиб қишлоқ оқшоми» деб аталиб, унда қаламкашларни файзиёб ўлкамизда маданият-маиший ва спорт йўналишида амалга оширилаётган ибратли ишлар ҳамда ечимини кутаётган айрим муаммолар хусусида ўз мақолалари билан қатнашишга даъват этилган эди.

Танлов ҳайъати ҳавола қилинган ишлар билан яқиндан танишиб чиққач, юқорида бўлган каби, биринчи мукофот очик қолдирилди.

Иккинчи мукофот — 25 минг сўм газетамизнинг 3 апрелида чоп этилган «Қуйлаётган қишлоқ» (муаллифлар: Зайниддин Рихсиев ва Шавкат Султонов) очерки учун берилди.

Учинчи мукофот — Хива ғилами «Матонат» (31 март) ва «Сирдарёда чемпионлар кўпаяди» мақолалари учун Нурилла Шамсиевга насиб этди.

Мукофотлар муборак бўлсин, голиблар!

Танлов ҳайъати.

ISHONCH
МУАССИС:
 Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир хайъати:
 Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиков.

ТЕЛЕФОНЛАР:
 Котибият 56-52-78,
 136-58-45; Хатлар бўлими
 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Наир кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёти-матбаа концерни босмаханаси. Қорхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-уй.

Босишга тошириш вақти - 21.00
 Тоширилди 21.30